

ЎЗБЕКИСТОН  
СТРАТЕГИЯСИ 2030

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ОРЗУСИ

## ОРТГА ҚАЙТМАС ИСЛОҲОТЛАР МАҚСАДИ

## ҲАР БИРИМИЗДА ЯРАТУВЧАНЛИК ШИЖОАТИНИ УЙЎГАДАДИ

Бугун ахборот технологиялари шиддат билан ривожланиб, макон ва замон чегараларини йўққа чиқарди. Қадрият ва асрий анъаналар, дунёқарашлар эврилиш жараёнида. Дунё халқлари ана шундай мураккаб ва жадаллик касб этган тараққиётга мос равишда ўз йўлини топишга интилмоқда.

Ана шундай тараққиётга мос равишда Ўзбекистон ҳам жаҳонда ўз ўрни, ўз сўзига эга бўлган мамлакатлар сафида ҳаракат қилляпти. Нуктадан таъбир билан айтганда, дунё майдонида ва ўз азияда қойим турмоқ, мақсадга эришмоқ учун муттасил олдинга интилиш, ҳаётни ва тафаккурни ислоҳ қилиш, янгиланиш томон собитқадамлик билан бориш талаб этилаётир.

“Ўзбекистон — 2030” стратегияси теран мазмун-моҳияти, қўламдорлиги, истиқболли мақсад ва вазифаларни аниқ-тиник белгилаб бергани билан ана шу қатъият ва собитлиқни яна бир бор тасдиқлаган ҳужжат бўлди.

Стратегик мақсад – инсоннинг  
қадр топиши

Кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар моҳиятига теран назар ташласак, улар туб замирида халқимиз ривожланган давлатларга хос ҳаёт даражасига эришиши, янги жамият қуриш, юртимизнинг замонавий ва жозибадор қиёфасини яратиш,



бир сўз билан айтганда, янги Ўзбекистонни барпо этишдек улғув мақсад-муддаолар ётганини яққол англаймиз. Давлат сиёсати марказида эса инсон ва унинг манфаатларини таъминлаш устувор вазифа этиб белгиланди. Бу бир ёки икки йиллик сиёсат эмас, мунтазам давом этадиган, стратегик мақсад экани 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини

ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси, уларда белгиланган мақсадли чора-тадбирлар мисолида оидинлашди.

Давоми 3-бетда

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН  
ДЕКЛАРАЦИЯСИНING 75 ЙИЛЛИГИГАУМУМИЙ МАСЪУЛИЯТ  
ҲАҚИДАГИ БИЛИМ

инсонларни ўзи ва бошқаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ундайдиган қадриятлар ҳамда муносабатларни илгари суради

Мамлакатимизда “Инсон қадри учун” деган эзгу гоияни тўлиқ рўёбга чиқариш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасидаги халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш, давлат органлари фаолиятига тизимли ва босқичма-босқич жорий этиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Уларнинг замонавий ҳуқуқий асослари яратилган ва бу жараён давр талабидан келиб чиқиб, изчил такомиллаштирилмоқда. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида ҳам бу борадаги устувор вазифалар ўз ифодасини топган.



Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзоси сифатида фаол ҳаракати, Ташкилотнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари ҳамда инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича махсус маърузачилар билан яқин ҳамкорлиги айни йўналишдаги ишлар ривожига муҳим омил бўлаётир.

Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий таълим дастури қабул қилиниши бу борадаги ишларнинг манتيкий давоми бўлди. Ушбу ҳуқуқий ҳужжат мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимни янада ривожлантириш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, давлат хизматчила-

рининг инсон ҳуқуқлари ва гендер тенглик соҳасидаги билим ва кўникмаларини ривожлантиришда дастуриламал бўлмоқда.

Инсон ҳуқуқларини фақат бу борадаги билим ва кўникмаларни тарқатиш орқали амалга ошириш мумкин. Унда барча инсонларни ўзи ва бошқаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ундайдиган қадриятлар, эътиқод ва муносабатлар илгари сурилади. У ҳар бир шахснинг ҳар қандай жамиятда инсон ҳуқуқлари ҳаётда амалда бўлишидаги умумий масъулияти ҳақидаги тушунчани ривожлантиради.

Давоми 3-бетда

## НУКТАИ НАЗАР

ТИЛАК ЯГОНА, ИСТАК ЭЗГУ,  
НИЯТ ПОКИЗА...

Дунё киприкдаги ёш каби қалқиб тургани бор гап. Атрофдаги воқеликларни кузатиб, тинч юртда яшаётганингга шукрона келтирасан. Ҳаловатда яшашнинг бир учи қўшинининг уйидаги осойишталикка боғлиқ эканини чин дилдан ҳис қиласан. Сен юмшоқ ёстиқда ором олаётган бир пайтда дунёнинг қай бурчагида бошпанасиз, очлик азобини чекаётган болажон борлиги, эрта азонда омон уйғониши гумон бўлган она ҳадик билан тунни қарши олаётгани, бир ҳовуч сув учун бор бисотини беришга тайёр одамлар яшаётгани ҳақида ўйласанг, юрагинг увушади.

Ижтимоий тармоқларда айланаётган шундай лавҳа кўз ўнгидан ўтади: ёш мутахассис қурғоқчилик ҳукм сураётган ҳудудга бориб, жажоки қизалоққа қадокланган идишдаги сувни тутати. Чанқоғини қондириш чоғида қизалоқнинг кўзидан томчи-томчи ёш оқади. Овқат, нон, егуликни

қўя туринг, бу яқин орада у тўйиб сув ичмаган. Эти устухонига ёпишиб кетган олти ёшлар чамасидаги бола ожиз қўлини чўзади, йиглай деса, йиглашга-да маддои йўқ. Ана, яна бир томонда ур-йиқит, тўполон, ўқ овози, гўдаклар охи...

Давоми 5-бетда

## БОҚИЙ МЕРОС

ЎХУД ҚАТАР ИСЛОМ САНЪАТИ МУЗЕЙИДАГИ  
ЭНГ НОЁБ ЭКСПОНАТЛАР

Дунёдаги бир қанча йирик музейлар, кутубхоналар, шахсий тўпламларда Ўзбекистон тарихига оид йиғилган ноёб ашёлар мажмуасини турли коллекцияларга ажратиш мумкин. Ушбу ноёб моддий-маданий мерос ажодларимиз яратган нодир қўл меҳнати намунаси экани ва дунё маданияти

ривожланишида катализатор вазифасини бажаргани билан ҳам қадрлидир. Бугунги тадқиқотларда темурийларга оид ашёлар Россия, Европа ва Араб давлатлари музейлари, шахсий коллекцияларда ҳам мавжудлиги аниқланган.

Давоми 6-бетда

## БУГУННИНГ ГАПИ

## ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН ЧИҚАДИ

1998 йили Германия Федератив Республикасида баъзи соҳалар, жумладан, таълим жабҳасини ўрганиш учун журналистик сафарда бўлганман. Очиғи, ўшанда у ердаги мактабларда эркак ўқитувчиларнинг биздагидан анча кўплиги хайратлантирган. Сабабини суриштирганимда, биринчидан, ўқитувчининг маоши кам эмаслигини, иккинчидан, ҳамма ерда мактаб борлиги учун осон иш топилишини айтишган. Ўйлаб қарасам, ўтган асрнинг 60-йилларида мактабда ўқиган биз тенгиларга, асосан, эркаклар таълим берган.



Давоми 5-бетда

## МУНОСАБАТ

Марказий Осиё — Германия:  
БАРҚАРОР ВА ИЗЧИЛ  
ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА

Бугун жаҳон иқтисодиётининг турли соҳаларида етакчи ўринлардан бирини эгаллайдиган Германия Ўзбекистоннинг Европадаги ишончли ва истиқболли савдо-иқтисодий ҳамкори. У Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олган ва дипломатик алоқаларни ўрнатган давлатдир.



Германия ва Марказий Осиё давлатлари, жумладан, Ўзбекистон ўртасидаги алоқалар кўп қирралилиги билан ажралиб туради. Хусусан, иқтисодиёт, илм-фан, соғлиқни сақлаш, транспорт-логистика, қишлоқ хўжалиги, климат ўзгаришларига қарши курашиш ва атроф-

муҳит муҳофазасига бўлган интилишлари ўхшашдир. Минтақавий ҳамкорлик борасидаги муносабатлар ҳам фаоллашиб бормоқда.

Давоми 2-бетда





www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz\_official



yuz.uz\_news



МУНОСАБАТ

# Марказий Осиё — Германия: барқарор ва изчил тараққиёт йўлида

**Фарҳод АҲРОРОВ,**  
**Тошкент давлат**  
**иқтисодиёт университети**  
**Самарқанд филиали**  
**директори ўринбосари,**  
**иқтисодиёт фанлари**  
**номзоди, доцент**

Бошланиши 1-бетда

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Германияга бу галги амалий ташрифи икки ва кўп томонлама ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш йўлида навбатдаги муҳим қадам бўлди, дейиш мумкин.

Аввало, таъкидлаш жоизки, Марказий Осиё — Германия форматидagi ҳамкорлиқнинг асосий йўналишлари савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар алоқалар, “яшил” энергетикани ривожлантириш, шунингдек, иқлим ўзгаришларига қарши биргаликда курашиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш каби жиҳатларда кўзга ташланаётди. Бундан ташқари, Марказий Осиё давлатлари Европа Иттифоқининг сув, энергетика ва иқлим ўзгариши бўйича ташаббусларига қизиқиш билдирмоқда. Шу боис, олий даражадаги учрашувларда Европа билан алоқаларни мустаҳкамлаш борасидаги келишувлар хусусида фикр алмашилди.

Ушбу ҳамкорлик Германия учун ҳам муҳим бўлиб, малакали ишчиларни жалб қилиш ва иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида Марказий Осиё давлатлари билан миграция келишувларини ўрнатиш кўзда тутилган. Бу келишувлар Германияда ишчи кучи танқислигини юмшатиш билан бирга Марказий Осиёда ишсизлик даражасини пасайтириш имконини бериши мумкин.

Кейинги йилларда Ўзбекистон — Германия савдо айланмасининг ортиб бораётгани минтақага қизиқиш ва ҳамкорлик янада мустаҳкамланаётганидан далолат беради. Импорт ҳам, экспорт ҳам ўсди. Бу эса минтақанинг немис бизнесменлари учун жозибадорлигини англатади. Бундан ташқари, дунёдаги мавжуд вазият немис компанияларини Ўзбекистонни жозибадор мамлакат сифатида қайта кашф қилишга ундамоқда.



Сўнгги тўрт йилда Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми икки баробардан зиёд ошди. Ушбу ижобий тенденцияни мамлакатимизда хорижлик инвесторлар учун яратилган шарт-шароитлар, иқтисодий ислохотлар билан изохлаш мумкин.

Президентимизнинг Германияга амалий ташрифи давомида сиёсий, иқтисодий ҳамкорлик борасида қатор музокаралар ўтказилди. Пировардиганидан далолат беради. Импорт ҳам, экспорт ҳам ўсди. Бу эса минтақанинг немис бизнесменлари учун жозибадорлигини англатади. Бундан ташқари, дунёдаги мавжуд вазият немис компанияларини Ўзбекистонни жозибадор мамлакат сифатида қайта кашф қилишга ундамоқда.

Германия кўп соҳаларда етакчи давлат саналади. Демак, Герма-

Шавкат Мирзиёев минтақавий лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Германия етакчи ишлаб чиқарувчиларининг юқори саноат технологиялари бўйича Марказий Осиё кўргазмасини ўтказиш таклифини билдирди. Бу кўргазма Германия саноатининг илғор, энг сўнгги намуналарини Ўзбекистондаги истеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчиларга кўрсатиш имконини бериб, нафақат истеъмол ва капитал бозорини, инвестициявий муҳитни ривожлантириш, балки янги-янгидан технологияларнинг иқтисодий-тимизга қириб келиши ва барқарор иқтисодий ўсишга хизмат қилади.

Германия ва Марказий Осиё ҳамкорлигининг доимий форматини ташкил қилиш, бу форматнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш бўйича ўзаро кўп томонлама битимни шакллантириш ҳамда имзолаш таклифи ҳам илгари сурилди ва бу ташаббус иштирокчилар томонидан қўллаб-қувватланди.

Ташриф доирасида бу мамлакат етакчи ишбилармон доира вакиллари билан ҳам ҳар томонлама самарадор келишувларга эришилди. Умуман олганда, Германия расмийлари мамлакатимиздаги ислохотларни эътироф этди ва немис компаниялари ҳамкорлигини янада ривожлантиришдан манфаатдор эканини яна бир бор таъкидлади.

Қайд этиш жоизки, Германиянинг Марказий Осиё билан ҳамкорлигини унинг ташқи сиёсатидаги стратегик ўзгаришларни акс эттиради. Чунки у ўзининг иқтисодий ва энергетика соҳасидаги ҳамкорлигини диверсификация қилиш ҳамда муҳим геосиёсий аҳамият ва бой ресурсларга эга давлатлар билан алоқаларни мустаҳкамлашга интилади. Марказий Осиёнинг эса Германия ва Европа учун қимматли ҳамкор сифатидаги салоҳияти ортиб бормоқда.

## АКАДЕМИК НАЗАР ТЎРАЕВ



**Ўзбекистон илм-фани огир жудолукка учради.**

Физикавий электроника соҳасидаги йирик олим, физика-математика фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги Назар Йўлдошев Тўраев 2023 йил 3 октябрь куни 85 ёшида вафот этди.

Назар Тўраев 1938 йил 19 майда Сурхондарё вилоятининг Денов шаҳрида туғилди. 1961 йили Самарқанд давлат университетини тамомлаб, меҳнат фаолиятини Фанлар академиясининг Ядро физикаси институтидикич илмий ходим лавозимида бошлади. Заҳматкаш олим ўзининг 60 йиллик меҳнат фаолияти давомида Ядро физикаси институтини аспиранти, Электроника институтини илмий котиби, Тошкент политехника институтини кафедра мудири, Термиз давлат университетини ректори, Фанлар академиясининг “ФАҲУМ” илмий-ўқув маркази директори каби

масъул лавозимларда самарали фаолият кўрсатиб, мамлакатимиз илм-фан соҳасини тараққий эттириш, етук кадрлар тайёрлашга муносиб ҳисса қўшди.

У 1968 йилда номзодлик, 1981 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 2000 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг аъзоси этиб сайланди.

Назар Тўраев мамлакатимиз ва халқаро илмий жамоатчилик ўртасида физикавий электроника йўналишида мактаб яратган олим сифатида катта ҳурмат ва эътиборга сазовор бўлди.

Фидойи олимнинг физикавий электрониканинг назарий ва амалий масалаларига бағишланган қўллаб-мақолалари, монография ва ўқув-методик қўлланмалари чоп этилган.

Меҳрибон ва жонкуяр устоз сифатида қўллаб-ёшларга илм-фан асосларидан сабоқ берган. Унинг раҳбарлигида 10 нафардан ортиқ фан доктори ва 20 нафарга яқин фан номзодлари тайёрланди.

Назар Тўраев жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этди. 1990-1995 йилларда мамлакатимиз парламенти депутати сифатида миллий мустақиллигимизнинг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлашда жонбозлик кўрсатди.

Академик Назар Тўраевнинг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. У “Ўзбекистон Республикаси фан арбоби” фахрий унвони, “Меҳнат шuhrати” ордени билан мукофотланган эди.

Атоқли олим, меҳрибон устоз, камтарин инсон Назар Тўраевнинг хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

**Ш. МИРЗИЁЕВ, Т. НОРБОВЕВА, Н. ИСМОИЛОВ, А. АРИПОВ, Б. ЙЎЛДОШЕВ**



ХУДУДЛАР ХАЁТИ

# “АСРИМИЗ ИЛМУ ХУНАР, ҲАРАКАТ АСРИДУР”

Наманган вилоятининг тўнғич туманларидан бири Тўрақўрғон расман 1936 йилда ташкил топган бўлса-да, тарихи узоқ асрларга бориб тақалади. Маърифатпарвар Исоқхон Ибрat ёзиб қолдирган маълумотларга қараганда, у XV асрда Дашти Қипчоқ хони Аҳмадхон тарафидан барпо этилиб, Қалъахон номи билан доврақ қозонган. Тўрақўрғон яқин-яқингача аграр туман саналарди, бугун эса тадбиркорлик, хунармандлик, спорт, маданият, таълим ривожланган ҳудудга айланган.

Туманнинг 67 та маҳалласида ўзбек, тожик, қирғиз, рус, қорақалпоқ, татар миллатлари вакиллари ўзаро дуст, иноқ, ҳамжиҳат яшаб келмоқда. 62 та умумтаълим мактаби бор. 43 та давлат ва 250 дан зиёд оилавий мактабгача таълим ташкилотидида болча ёшдаги болаларнинг 86 фоизи қамраб олинган, 38 та давлат ва хусусий шифохона фаолият кўришмоқда.

— Эътироф этиш жоизки, туманимиз маркази Президентимизнинг 2016 йил 2 ноябрдаги вилоят сайловчилари билан учрашуvidан сўнг таниб бўлмас даражада ўзгарди, — дейди туман ҳокими Аҳорбек Мансуров. — Ушанда давлатимиз раҳбари Исоқхон Тўра Ибрat ҳақида алоҳида тўхталиб, унга атаб муҳташам боғ яратиш, ёдгорлик мажмуаси ва ижод мактаби ташкил қилиш юзасидан таклиф билдирди. Ушa таклиф асосида 2,2 гектар майдонда файли мажмуа барпо этилди ва туманга ташриф буюрувчилар учун мукаддас қадамжого Наманган давлат чет тиллари институтини ҳам фаолият бошлади.

Тўрақўрғон Асириддин Аҳсикатий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Мулла Шамси Шавкий, Ҳайрат Тўрақўрғоний, Исоқхон Ибрat сингари алломаларга бешик бўлган, икки нафар Ўзбекистон Қаҳрамони этишиб чиққан, кураги ерга тегмаган Тўйчи полвон, Карим чавандоз, маҳоратли футболчи, “Келажак бунёдкори” медали соҳиби Умарали Раҳмоналиевлар диёри. “Йилнинг энг намунали маҳалла етакчиси” танловининг мамлакат босқичида туманнинг Шохидон маҳалласи ёшлар етакчиси Муҳаммадюсуф Холматов 3-ўринга муносиб қўрилди.

Туманнинг иқтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари ижобий натижаларга бой. 2022 йил якуни бўйича қатор соҳаларда ўсиш кузатилади. Жумладан, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 117,8 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 104,7 фоиз, пудрат ишлари 113,5 фоиз, чакана савдо айланмаси 111,5 фоиз ва хизматлар соҳаси 114,7 фоиз уудаланди.

Аҳоли муаммолари доимий эътиборда. Туман сектор раҳбарлари хона-

донма-хонадон юриб, муружаатларни атрофлича ўрганиб, бартараф этиш чораларини кўришмоқда.

— Оилавий шароитим огир, анча йиллар бир хонали эски уйда яшадим, — дейди Исвахон маҳалласида яшовчи Юлдузхон Зокирова. — Яқинда мутасаддилар барча қулайликларга эга тўрт хонали уй қуриб берди. Октябр ойида ҳовли тўйи қилмоқчиман. Биз каби имконияти чекланганларга ғамхўр Президентимиз ва барча масъуллардан миннатдорим.

Туманда янги тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ташкил қилиш ҳамда бизнес режалар тузиш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш қизғин жараёнда. Жорий йилда 450 та тадбиркорлик субъекти очилиб, улар сони 2 минг 577 тага етди. Шунингдек, умумий инвестиция дастури доирасида янги қиймати 1126,4 миллиард сўмлик 85 та лойиҳа ижроси билан 1 минг 430 та иш ўрни яратиш кўзда тутилган.

— Қандай эътиборга эришаётган бўлсак, барчаси ютқилар, имтиёз ва ишонч туфайли, — дейди “Рунамтекс” МЧЖ директори, “Шухрат” медали соҳиби,



тадбиркор Махфуза Гюмюш. — Фаолиятимизни бошлаганимизга уч йилдан ошди, 400 нафар хотин-қизни иш билан таъминладик. “Ёшлар” кичик саноат зонасидаги янги биномиз эса Оқтош маҳалласи кўрмига кўрк қўшди. Корхонамиз майдони бир гектар. Йилга 10 миллион долларлик трикотаж маҳсулотларимизни Россияга экспорт қиялғимиз. Яна “20 минг тадбиркор — 500 минг малакали мутахассис” дастурига мувофиқ, 700 иш ўринли мономарказ ташкил этамиз.

Олпти кичик саноат зонаси (КСЗ) учун 22 гектар ер майдони ажратилган.

Мазкур саноат зоналарида қиймати 253,2 миллиард сўмлик 39 та лойиҳа жойлаштирилади. Бу 2 минг 600 га яқин киши меҳнат билан банд бўлади, дегани. Мисол учун, “Ёшлар” КСЗда 64 миллиард 150 миллион сўмлик 12 та лойиҳада 1 минг 275 та иш ўрни пайдо бўлади. Ҳозир 119,7 миллиард сўмлик 29 та лойиҳа ишга туширилиб, 1 минг 840 дан ортиқ аҳоли иш ўрнига эга бўлди.

Туманда экспорт ҳажми 2010-2016 йилларда ўртача 14,2 миллион долларни ташкил этган бўлса, ўтган йили 89,2 миллион долларга етди. 2023 йилда белгиланган прогноз 158,5 миллион доллар. Шундан саноат йўналишида 139,5 миллион доллар ва мева-сабзавот йўналишида 18,9 миллион долларлик маҳсулотлар экспортга режалаштирилган. Тўрақўрғонда азалдан мева ва узум маҳсулотлари етиштириш ривожланган ва йилга 56 минг 425 тонна маҳсулот тайёрланади.

Айтиш мумкинки, тўрақўрғонликлар гилосчиликда ҳам ўзига хос маҳоратга эга. Вилоятда йилга 10,1 минг тонна гилос экспорт қилинаётган бўлса, унинг 52,4 фоизи Тўрақўрғон тумани ҳиссасига тўри келади. Хар йили туманда 8,1 минг тонна гилос етиштирилиб, 5,3 минг тоннаси хориққа сотилади.

Шу кунларда етти гектар майдонда “Gold fresh fruits” МЧЖ томонидан қиймати 13,9 миллион долларлик агрологистика маркази ташкил этиляпти. Марказда мева-сабзавот бозори, гилос маҳсулотларини саралаш, мева-сабзавотни қуришти, меҳмонхона хизмати ташкил этилади ва

пластмасса яшиқлар ишлаб чиқарилади. Айни пайтда объектда 65 фоиз ишлар битган. Илк босқичда 40 та иш ўрни юзага келди. Корхона томонидан 2024 йилдан 10 минг тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортга йўналтирилиб, йилга қўшимча 15 миллион долларлик мева-сабзавот экспорти амалга оширилади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Тўрақўрғон узумчиликда ҳам илғор туманлардан. Бугунги кунда туманда жами экин майдони 10 минг 51 гектар, шундан 586,6 гектари узумчилик хўжалиқларидир. Бир йилда 25,9 минг тонна узум, шундан 13,5 минг тоннаси хонадонларда етиштирилиб, Масалан, 590 та хонадондан иборат Хўжанд маҳалласи драйвери узумчилик ҳисобланади. Олтириқ тажрибаси асосида маҳалланинг Узумзор кўчасидаги 56 та хонадоннинг кўча қисмига сўритоклар тикланди.

Биргина шу маҳалланинг ўзида “Келин бармоқ”, “Ризамат ота”, “Хусайни”, “Чиллаки” навли 104 тонна узум етиштирилиб, биринчи навбатда, ички бозорга ва қўшни давлатларга сотилмоқда. Маҳалладаги уста боғбон Комижон Юсупов узумчилик ва боғдорчиликда кўчат етиштириш курсини очиб, 55 нафар ишсиз йигит-қизга касб сирларини ўргатмоқда. Қолаверса, узумчиликни янада кенгайтириш мақсадида Президентимизнинг жорий йил 3 февраль куни Наманган вилоятга ташрифи чоғида дала чети майдонларидан унумли фойдаланишга оид топшириқларига биноан, тумандаги 90 та пахта, ғалла ва бошқа йўналишдаги фермер хўжалиқларининг

1 минг 81 гектар карта четларига 1,3 минг туп ток кўчати экилди. Улар бир-икки йилда ҳосилга қиради.

Аваллари айрим зарур озиқ-овқат маҳсулотлари меъёр талаблари бўйича етишмаслиги ва бозорларда нарх-наво барқарорлигини таъминлаш учун қўшни вилоят ва туманлардан олиб келинарди. Аҳолига деҳқончилик қилиш учун узоқ муддатли ижарага ер майдонлари ажратиш йўлга қўйилгач, ахвол ўнланди.

— Кейинги уч йилда Тўрақўрғонда 17 та мактаб, 14 та мактабгача таълим муассасаси, етти та қишлоқ врачлик ва оилавий шифохона пункти, битта марказий шифохона жорий ва мукамал таъмирланди, битта янги 330 ўринли мактаб қурилди, — дейди туман ҳокими ўринбосари Акмалжон Тўраев. — 27 та МФЙ учун махсус маъмурий иншоот қад ростлади. Шунингдек, 15 та 512 хонадондан иборат кўп қаватли турар жой қурилди.

Бундан ташқари, 13 та ичимлик сув қудуги қазиб сув чиқарилди ва 570 километрга тармоқ тортилди. 2021 йилгача туман аҳолисининг ярмигача тоза ичимлик сувдан баҳраманд эди. 2023 йилнинг сентябрь ойига келиб, бу кўрсаткич 83 фоизга етди. 92 километр ички йўллар асфальтланди, 215 километр ички йўлга шағал тўқилди, 25 километр умумфойдаланувдаги автомобил йўллари таъмирланди.

— Тўрақўрғон қадим ва табаруқ макон, унда ички ва ташқи туризм салоҳиятини кўчатириш омиллари талайгина. Очик осмон остидаги Аҳсикент музейининг ўзига қанча сайёҳларни жалб қилса бўлади, — дейди туман ҳокимлиги наشري — “Давр” газетаси муҳаррири Зоҳидхон Кенжаева. — Сирдарё соҳилларида дам олиш масканларига талаб ва таклиф бaланд. Исоқхон Тўра Ибрat мажмуаси, Хўжақалон Абдулмоний зияратгоҳи унча-мунча тарихий шаҳарлардаги муборак манзиллардан қолишмайди.


Дарвоқе, тўрақўрғонликлар мохир чавандоз ва улоқчилар сифатида ҳам машҳур. “Денгиз тулпори” мажмуасида улоқ-қўпкари мусобақаларини мунтазам уюштириш, чавандозлар мактабини очиш, оид спортни ёрдамида илпоторапиани йўлга қўйиш жуда манфаатли. Бу борада қўшни Қирғиз Республикаси Жалолобод вилоятининг Тўхтагул тумани билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган.

Туманда амалга ошириладиган ишлар, сать-ҳаракатлар замирида Тўрақўрғонни мамлакатга танитиш, шу йўл билан иқтисодийетини юксалтиришдек зғру ниятлар мужассам. Зеро, жадид Ибрat домла “Мезон уз-замон” рисоласида ёзганидек, “Асримиз илму хунар, ҳаракат асридуру...”.

**Орифжон ЖЎРАЕВ,**  
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**



# ХАР БИРИМИЗДА ЯРАТУВЧАНЛИК ШИЖОАТИНИ УЙҒОТАДИ



Зеро, ички ишлар органлари ходимларини *"Инсон қадри учун"* тамойили асосида давлатнинг юксак маънавий-ахлоқий ғазилатларга эга, ўз бурчига содиқ, ватанпарвар ва халқпарвар этиб тарбиялаш орқали аҳолининг чинакам розилигига эришиш ҳозирги замоннинг асосий талабидир.





## ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

# ТАДБИРКОРЛИКНИНГ “олтин даври”

## БУХОРОЛИК ИШБИЛАРМОН АЁЛ ТАҚКОСИ ШУНДАЙ

Болалигидан ҳисобчи бўлишни орзу қилган Дилором умумий ўрта таълимни тамомлаб, талаба бўлиш мақсадида юрган кезлари ёши улғу ота-онасининг тўй кўриш истаги йўлида барча орзуларини ўзгартиришга мажбур бўлди. Одатда шу тарзда бошланган ҳаётги ҳикоялар ёш аёлнинг кўрган қийинчиликлари, чеккан изтироблари билан давом этади. Аммо бугунги қаҳрамонининг фаолияти, ҳаёт йўли, мақсад сари интилиши ҳавас қилса арзигулик.

### Панада юриш одатга айланган эди

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётнинг таянч кучи сифатида аҳоли бандлиги ва ҳаёт тарзини яхшиловчи муҳим тармоқ саналади. Шу боис, ривожланишни кўзлаган ҳар бир мамлакат уларни қўллаш, эркин фаолият юратиши учун кенроқ қўлайлиқлар яратишга катта эътибор қаратади. Соҳада яратилган имкониятлардан ўринли фойдаланган тадбиркор 2000 йилдан бошлаб кредит маблағлари ҳисобига фаолиятини кенгайтиради. Аммо бу жараён осон кечмайди. Қанчадан-қанча вақт, асаб зое кетади. Бир неча йил уриниб, корхона ташкил этади. Аммо бу борадаги қийинчиликлар шу билан якун топмаган эди.

— Ўзоқ йиллик тадбиркор сифатида айлишим мумкин, ўша вақтлар бизга етарлича эътибор бўлмаган, — дея эслайди у. — Тадбиркорман деб кўрак кериб юриш қийин бўлган. Ҳокимликлар, банкларнинг эшиги олдида бориб ётишлар бошимиздан ўтган. Панада юриш одатимизга айланиб қолган эди. Ўн йил аввал фаолиятимизни кенгайтириш мақсадида қурилиш моллари корхонасини ташкил қилганмиз. Зарур хомашё, товарларни Тошкентдан олиб келар эдик. Пойтахтдан Бухорогача юқларимиз қўллаб текширувлардан ўтар, қанча қўлларга



“хамир учидан патир” беришга мажбур бўлардик. Юқлар етиб келгач, оворагарчиликлар Бухорода давом этарди. Бир йилда камда 8-10 марта фаолиятимизга аралашилар бўлган. Бу деярли ҳар ой вақтингиз ўғирланади, ҳаловатингиз бузилади, дегани. Текширгани келганларга ҳамма ҳужжатни тақдим этасизми, ҳар бир ишингиз рисолагадигек бўладими, бунинг фарқи йўқ, албатта, жарима солинар эди. Биз ҳам мажбур, тўлар эдик. Ҳозир логистика компаниялари орқали товарлар шундоқ эшигингиз тагига келади. Тўловларни ҳам, ҳужжатларни ҳам телефонда биргина амални бажариш орқали уудаласангиз бўлади.

Маълумотларга кўра, 2017-2022 йилларда юртимизда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ҳамда тизим вакиллари ҳуқуқини ҳимоя қилиш йўналишида 3 мингдан зиёд қонунчилик ҳужжати қа

Уддабурон, тадбирли Д.Файzieва Бухоро туманидаги 4 гектар ташландик ерни ўзлаштириб, иссиқхона ҳам барпо этди. Элликка яқин иш ўрни яратилган иссиқхонада экспортбоп помидор етиштириш билан бирга, 300 тупдан ортиқ лимон ҳам парваришланмоқда. Бу йил иссиқхонанинг бир гектарига банан кўчати экилди.

бул қилинди. Бизнес вакилларига кредит ва субсидия олиш, лицензия, кўчмас мулк ва ресурсларга эга бўлиш, экспорт каби масалаларда кенг имконият ва шaroитлар яратилди. Ортиқча текширишлар, нақд пул, валюта ва хомашё бўйича мавжуд чекловлар, тўсик ва ғовларнинг аксариятига барҳам берилди.

Ўз устида мунтазам ишлаш, тадбиркорлиқни ривожлантириш, янги ғояларни ҳаётга таъбиқ этишга иштиёқманд Д.Файzieва раҳбарлик қилаётган “Файз қурилиш моллари” МЧЖда юзга яқин одамнинг бандлиги таъминланган. Корхонада халқаро стандартлар бўйича ишлаб чиқаришни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Бу ерда принтерли буюмлар, полипропилен қўллар, герметик махсулотлар, шунингдек, сифатли лок-бўёқ тайёрлаш талаб даражасида йўлга қўйилган. Улар ташқи бозорда рақобатбардорлиги билан ажралиб туради. Бугун бу тиришқоқ аёлни вилоят аҳли тиниб-тинчимас ишбилармон сифатида яхши билади. Негаки, замон талаблари, бозор ва харидор эътиҳолларини мунтазам ўрганиб бораётган аёл янги йўналишлар устида тинмай ишламоқда.

Мана шундай меҳнатлар самарасида бугунги кунда Бухоро шаҳри, Бухоро ва Когон туманларида “Файз қурилиш моллари” МЧЖга қарашли қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган 3 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларда юздан зиёд турдаги қурилишбоп махсулот ишлаб чиқарилиб, ички бозордан ташқари МДХ давлатлари ҳам етказиб берилмоқда.

### Экспорт салоҳияти фақат йирик корхонага хос жиҳат эмас

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари бозор иқтисодиёти талабларига тез мослашиб, янги йўналишларни ўзлаштиришда илғордир. Айнан мана шу жиҳати — бозор динамикасига мослашиб тадбиркорлик ривожига муҳим.

Бирор соҳа ривожига ҳақида ёши улғурлар, анча йиллардан буён фаолият юратиб келаётганлар билан суҳбатлашиб қизиқ. Айнан улар ҳозирги имкониятларни ўтган давр билан таққослай олади. Бу борада ҳолис фикр билдиради. Махсулотни хорижга экспорт қилиш осон эмас. Дилором оладан бу борадаги ютуқлари самараси ҳақида сўраганимизда гапни имкониятларга бурди.

— Экспорт билан боғлиқ ишлар аввалги йиллардаги солиштиришда ҳозир анча соддалашган. Илгари чет элга махсулот чиқаришни фақат йирик корхоналарга хос жиҳат деб билардик. Бугун кичик корхоналар ҳам бемалол бунинг уддасидан чиқяпти. Соҳага оид маълумотларни доим кузатиб бораман, ўтган йили мамлакатимизда экспорт ҳажми 19,3 миллиард долларни ташкил қилган бўлса, шундан 13 миллиард доллардан ортиги кичик ва ўрта бизнесда фаолият юритаётган тадбиркорлар ҳиссасига тўри келади. Бу катта ютуқ. Бизнес вакиллариининг халқаро майдонда ўз ўрнини эгаллаш учун амалга оширилаётган чора-тадбирлар самараси.

Д.Файzieва тадбиркорлиқни бошламоқчи бўлган аёлларга ҳам кўмакдош ва яқин маслаҳатчи. “Ишбилармон аёл” қуриқ-танлов республика босқичи ғолибаси ўтган йили “Шухрат” медали билан тақдирланди.

### Чўлларга ҳам файз кирди

Тадбиркор олий ўқув юртида таҳсил олаётган бир қанча талабаларга ҳомийлик ҳам қилмоқда. Бунинг учун “Индиго” фондини таъсис этган. Фонднинг мақсади — иқтисодий ёшларни қўллаб-қувватлаш. Мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда иқтисодий, бир соҳанинг ривожига учун ҳисса қўшадиган, аммо молиявий етишмовчилик сабаб шартнома тўловларига қийналаётган талабаларни излаб топиб, уларга кўмак беради.

Сардор Назаров кимё технологиялари йўналишида ўқишга кирди, аммо оиласининг қўли қалта эди. Шунинг учун ҳам шартнома пулларини тўлаш қийинлик қиларди. Ўқишни ташлаш ниятида юрган кезлари Дилором олапи учратди. Талаба йигитни ўйлантираётган муаммо

ҳал бўлди. Аслида, фонд кўмагидан фойдаланиб ўқишини давом эттираётган бу каби талабалар кўп. Ҳозир Сардор Назаров “Файз қурилиш моллари” МЧЖда кимё технологи сифатида фаолият юритади.

— Технолол бўлиш ниятида ўқишга топширдим. Аммо давлат гранти асосида ўқиш учун билимим озорқ етмади, — дейди Сардор. — Молиявий аҳволимиз яхши эмасди. Қолаверса, ишлаб рўзгорга ёрдам бермасам бўлмасди. Шу боис, ўқишни ташламоқчи эдим. Хайриятки, бундай бўлмади. Ишли ҳам бўлдим. Кимё технологи вазифаси зиммамга юкланганида аввалги ҳадиксирардим. Чунки илгари фақат масъумий ишларда ишлаган эдим. Лекин корхона раҳбари ишончини оқлаш учун ўқиб-изланиб, билимимни ошириб борапман.

Уддабурон, тадбирли Д.Файzieва Бухоро туманидаги 4 гектар ташландик ерни ўзлаштириб, иссиқхона ҳам барпо этди. Элликка яқин иш ўрни яратилган иссиқхонада экспортбоп помидор етиштириш билан бирга, 300 тупдан ортиқ лимон ҳам парваришланмоқда. Бу йил иссиқхонанинг бир гектарига банан кўчати экилди.

Бугун юртимизда тадбиркорлар олдидаги муаммо ёки камчиликлар мамлакат тарақиётига тўсик сифатида баҳоланади. Президентимизнинг тадбиркорлар билан ҳар йилги очик мулоқоти ва унда билдирилаётган фикр-мулоҳазалар бунга яққол мисол бўла олади. Қаҳрамонимиз ҳам очик, самимий ва амалий натижаси билан алоҳида ажралиб турувчи мулоқотни ҳар йили интиқ кутишини таъкидлайди.

— Давлатимиз раҳбари жорий йил тадбиркорлар билан очик мулоқотида “Мамлакатимизда тадбиркорлар замини келди, десам ортиқча мулобалага йўйманг. Чунки ҳозир деҳқончиликдан тортиб ишлаб чиқаришгача, саноат заңжирини яратишдан то йирик инвестицион лойиҳаларни амалга оширишгача — бариди хусусий тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес вакиллариини учратиб мумкин”, дея таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, ўзоқ йиллик фаолиятимини таҳлил қиладиган бўлсам, ҳозир тадбиркорлик фаолиятимдаги “олтин давр” саналади.

Ривожланиб бораётган замон одамлардан у билан ҳамнафас бўлиш, тенгма-тенг қадам ташлаш учун муттасил изланишни талаб қилмоқда. Бугунги кун тадбиркорлари мана шу талабга монанд бир кун бўлса-да тин олишни, даромадга эришишни, дея сояга ўтишни истамайди. Доим ҳаракатда бўлган “олтин давр” қаҳрамонлари эса ўзларига билдирилган ишончни ортиги билан оқлаши шубҳасиз.

**Феруза ЖўРАЕВА,**  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



## ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

# БАЛИҚ ЕТИШТИРИШ ҲАЖМИ БЕШ КАРРА ОШДИ

Қувасой шахрининг “Қалача” маҳалла фуқаролар йиғинидаги “Фаргона страус” кўп тармоқли фермер хўжалигида африка лаққа балиқларини боқиш йўлга қўйилди. Бу балиқ турлари маҳаллий иқлим шароитига тез мослаша олиши билан ажралиб туради. Балиқ чавоклари олти ойда бир килограммдан ортиқ вазн олади. Уларни парваришлаш учун катта сув ҳавзалари талаб қилинмади. Интенсив усулда бир квадрат метрдан 400 килограмм балиқ олиш ёки 10 миллион сўмдан ортиқ даромад қилиш имкони бор.

Фермер хўжалигида талаб ва тақлиф асосида балиқчилик хўжалиқари мулкни, — дейди фермер Нурмухаммад Раҳмонов иш шaroитида балиқчилик хўжалиги ташкил қилган ёш тадбиркорлардан. “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури доирасида имтиёзли кредит олиб, хонадониди 10 минг африка лаққасини бокса бўлаларин сув ҳавзаси қурди.

— Бу бир мавсумда 10 тоннадан ортиқ махсулот етиштириш имкониятини беради, — дейди ёш тадбиркор. — Дастлаб иш бошлаган вақтимда кичик ҳавзада мўл балиқ махсулоти олишимга ишонмаганлар бўлган. Амалий натижани кўриб, бу иш қанчалик самарали эканига ғувоҳ бўлгач, маҳалладошларим балиқчиликни йўлга қўйди. Улар билан махсулот етиштириш, озуқа тайёрлаш, касалликларнинг олдин олиш, унга қарши курашиш борасида маслаҳатлашиб иш кўряпмиз. Натижалар йилдан-йўлга яхшиланмоқда.

Бундан тўрт-беш йил олдин Фаргона вилоятида нари борса 10 минг тоннага яқин балиқ гўшти етиштирилган. Бугунга келиб бу кўрсаткич 63 минг тоннага етди. Ҳозир вилоятда 10 минг 394 гектар сув ҳавзасида балиқ боқилляпти.

— Кейинги йилларда табиий сув ҳавзаларидан ташқари интенсив, қафас мосламалар, ёпиқ сув айланма тизимлари ва аҳоли хонадонларида ташкил этилган сув ҳавзаларида балиқ етиштириш қўлами ошди, — дейди вилоят Ветеринария ва чорвачилиқни ривожлантириш бошқармаси бош мутахассиси Камоллиддин Мўйинов. — Жорий йилнинг ўзида бу йўналишда умумий қиймати 61 миллиард



350 миллион сўмлик 41 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Бунинг ҳисобига махсулот етиштириш ҳажми 1 минг 594 тоннага ошади. 150 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Интенсив усулда балиқ боқишнинг кенг жорий этиш мақсадида ҳудудлардаги 1 минг 150 гектар (ярим интенсив) сув ҳавзаларида 3 минг 450 дон аэратор ва озиклантириш мосламаси ўрнатилди. Бу самарали усул ортиқча сув ва харажат талаб қилмаган ҳолда махсулот етиштиришни уч карра оширади. Яъни айланма аэраторлар кўп тўбини кислород билан бойитиб беради. Озиклантирувчи мослама эса озукларни бутун кўл бўйлаб сочди. Натижада балиқ бир меъёрга озикланиб, соғлом ва тез ривожланади. 41 та балиқчилик субъекти қуёш панелларидан фойдаланяпти. Бу электр тармоқлари

етиб бормаган ҳудудларда ҳам замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда мўл ва сифатли балиқ махсулотлари олиш имкониини бermoқда.

Ёзёвон тумани “Янгиобод” МФЙ ҳудудидаги “Азиз кўл” фермер хўжалигида 230 миллион сўмга умумий қуввати 9 киловатт/соат бўлган қуёш панеллари ўрнатилди. Ишлаб чиқарилган энергия сув ҳавзасига ўрнатилган кислород билан бойитиш ускунаси — аэратор ва озиклантириш мосламаларини қувватлаш учун етарли. Натижада 5 гектар ҳовудан авваллари 7-8 тонна балиқ овланган бўлса, энди 18 тоннага етди.

Бундан ташқари, 3700 гектар сунъий сув ҳавзасини интенсивлаштириш борасидаги лойиҳалар балиқ боқиш ҳажмини ошириш, сифатини яхшилаш имкония

тини бermoқда. Яна бир муҳим жиҳати, соҳага кластер тизимини жорий этиш, водий иқлим шароитига мос сeргўшт балиқ чавоғи парваришлаш, табиий ва сунъий сув ҳавзаларидан самарали фойдаланишга эътибор ошди. Масалан, оддий усулда бир гектар ерда ўрта ҳисобда 2-3 тонна балиқ гўшти етиштирилган бўлса, интенсив усулда балиқ парваришлаш орқали бу кўрсаткич 3-4 ҳисса ортади.

“Фаргона балиқсаноат агро” МЧЖ Ёзёвон туманида 1-2 сотих майдонда интенсив усулда 100 тонна балиқ боқиш лойиҳасини амалга оширди. Олтириқ туманининг Қизилтепа массивида бакра-балиқ (осётр) боқиладиган ёпиқ сув айланма тизими ишга туширилди.

— Бакрабалиқ ва чавокларини интенсив усулда етиштиришга эътибор қаратганмиз, — дейди “Фаргона балиқсаноат агро” МЧЖ иш юритувчиси Санжарбек Тешабоев. — Йилгига икки минг тоннадан ортиқ балиқ етиштирилади. Балиқ чавоғи олиш, омихта ем ишлаб чиқариш, махсулотни қайта ишлашни йўлга қўйди. Марказий Фаргона сув омборининг Ёзёвон тумани ҳудудида садок усулида балиқ боқиш лойиҳасини

ишга туширдик. Бунинг ҳисобига балиқ етиштиришнинг йиллик миқдори 5 минг тоннага ошди, 100 та янги иш ўрни яратилди.

Янги усул катта майдон, кўп сув сарф қилмай, мўл ва сифатли махсулот етиштириш имкониятини бermoқда. Бу ерда экотуризм ривожига ҳам эътибор қаратилган. Хўжалик ҳавзаси олдида балиқ овллаш учун махсус жойлар ташкил этилди. Аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини оширишда ҳам тармоқнинг ўрни ошмоқда. Айни кунда вилоятдаги 1200 та хонадонда 4400 тонна балиқ етиштириш борасидаги ташаббуслар оммалашаяпти. Балиқчи хонадонларни зарурий хомашё ва жиҳозлар билан таъминловчи 13 та таъминотчи кооперация ташкил этилди.

**Расулжон КАМОЛОВ,**  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири





**Зиёда АМИНОВА,**  
**Қашқадарё вилоятчи ҳокими**  
**маслаҳатчиси**

Бошланиши 1-бетда

Азим ва қўхна дунё айвонининг бир бурчагида туриб, бу ишларга назар соласан. Одамзоднинг бир-бирига ғайриликларига табиат ҳам ўз “муносабати”ни билдираётгандек. Кундан-кун иқлим ўзгармоқда. Аномал иссиқ, аномал совуқ, тошқинлару тўфонлар инсонлар тақдирига таъсир этмасдан қўймайди. Ана шу каби кескин ўзгаришлар ичида бани одам бўлиб қолиш — юксак мақомга айланди. Сен тинч бўлишинг учун қўшининг, ҳаловатда яшашинг учун дунё тинч ва ҳаёт хавфсиз бўлиши муҳим, албатта.

### “Жаҳон миқёсида ишонч инқирози кузатилмоқда”

Ҳа, бу гапни юксак минбардан туриб айтиш, дунё афкор оммасини оғохликка чорлаш учун катта журъат ва қатъий сўз керак. Ўзбекистон Президентининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 78-сессиясида сўзлаган нутқида долзарб, ҳар дақиқа йўлимиздан кўндаланг чиқадиган масалаларга жаҳоннинг эътибори қаратилди. Дунё мамлакатлари, жумладан, Марказий Осиёнинг бирдамлиги ва фаровонлигини таъминлаш бўйича долзарб ва катта аҳамиятга эга ташаббус, таклиф ва ғоялар илгари сурилди. Бу тарихий жараёнларни барчамиз юксак ғурур билан кузатдик.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Марказий Осиёнинг дунёга очкилиги — минтақа хавфсизлиги ва барқарор ривожланишини таъминлайдиган энг муҳим шартга айлانмоқда. Ишонч билан айтиш мумкинки, бизнинг халқларимизни минтақавий ўзига ҳосликни англаш туйғуси бирлаштирмоқда ва бу туйғу тобора кучайиб бормоқда. Бизнинг нафақат тарихимиз, балки келажагимиз, ҳаётий муҳим манфаатларимиз ҳам умумий ва муштаракдир. Минтақавий ҳамкорлигимизни кенгайтиришдан бошқа йўлимиз йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас!”.

Янги Ўзбекистоннинг яқин йиллардаги тараққиёт йўлига назар солинди. Қўлга киритилган марраларнинг омили ҳақида таъкидланди. Инсон кадри учун деган бош ғоя ҳар бир иш, ҳар бир амалнинг туб негизини ташкил этмоқда. Буни янгиланган Конституциянинг қабул қилиниши жараёни

ҳам кўндек аёнлаштирди. Мамлакат фуқаролари билан кенгашилди, истиқболнинг ойдин йўли халқ билан яратилди. Орта қайтмас ислохотларнинг ҳуқуқий асослари жамланди ва “Ўзбекистон — 2030” тараққиёт стратегияси қабул қилинди.

Бўлар гапни айтигин, бундан бир неча йиллар илгари ҳам куз фаслини ҳадик билан қараш олар эдик. Чунки ўқитувчи, тиббиёт ходими, талаба, ўқувчи, боринги, билағида кучи борнинг жойи, иш ўрни пахта даласи бўлган. Эндигина академик лицей ўқувчиси бўлган синглим уч кун машғулотда қатнашиб, тўртинчи кун пахта теримида жалб этилган. Катта туғундаги кўрпа-тўшакни бошқа автоуловга, ўзини автобусга жойлаб, пахтазорга йўл олишган. Борса, унинг тўшак-туғуни йўқ. То биз ҳолатдан хабар олгунга қадар ўн-ўн беш кун дугонасининг тўшагини бўлишиб, амаллаб кун кўрган. Ойласидан тўрт кун нари чиқиб кўрмаган қиз бола учун бу осон бўлган, дейсизми? Бу ёқда бизнинг асабимиз бузилган, у ёқда синглим алам чеккан... Йўғлаб, озиб бир аҳвол бўлиб қолган. Бу бир ҳолат... Инсон қадри деган тушунча биздан бир неча қақирим нарида бўлган кезлар экан ўшанда. Таълим сифати, тиббиётни ривожлантириш, ўқувчиларнинг саводхонлигини ошириш масаласи ишлаб чиқилган режа ва дастурларнинг энг қуйи қисмидан жой олар, барча куч ва имкониятлар далага сафарбар этиларди.

Э, шу мажбурий меҳнат қачон бекор бўларкан-а? Қачон ўқитувчи ўз касб байрамини уйида нишонлайдиган кунлар келаркан, деб қанчалар орзу қилгандик...

Албатта, аёлнинг ўқимишли, оқила, закий бўлиши — миллатнинг энг пок ниятлари учун дастлабки эшикни очди. Ахир, у она, миллат тарбиячиси. Ёш авлод камолотининг асоси, туб негизи. Юртимизда хотин-қизларнинг жамият ва давлат бошқарувидаги иштирокини ошириш, ижод ва меҳнат қилиши учун кенг имкониятлар, қатор имтиёзлар жорий қилинди. Биргина Қашқадарё мисолида айтидиган бўлсам, олий таълимга ўқишга қабул қилинган талабаларнинг 50 фоизидан ортигини хотин-қизлар ташкил этмоқда. Якунига етган ўқув йилида 19 415 нафар талабанинг шартнома тўловлари учун бир юз саксон беш миллиард сўмлик имтиёзли кредит-

бу каби ирода ва рағбат кўрсатади. Аёлга эҳтиромнинг бу каби юксак намунасини кўриб, ҳис қилиб, илм барча мушкулоти ташвишларнинг калитидир, деган доно ўғитни эслаймиз.

Президентимиз ўз нутқида глобал масалалар — дунёда тинчлик ва барқарорлик ҳукм суриши, иқлим ўзгариши, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, камбағалликка барҳам бериш, терроризм, экстремизмга қарши курашиш, афғон ҳалқининг тақдири билан боғлиқ бир қатор долзарб масалаларни илгари сурди.

Таклиф ва ташаббусларда бир жиҳатни яққол кўриш мумкин, яъни дунё хавфсиз ва тинч бўлсин. Ҳар бир инсон ҳаётдан рози бўлиб яшасин. Қобилият ва иқтидорини намоеън этиши учун зарур макон, муҳит бўлиши шарт! У қайси миллат вакили бўлишидан қатъи назар, ўз ҳуқуқларидан эмин-эркин фойдалансин, тили, дини ва эътиқоди ҳимоялансин. Шундагина халқларнинг, мамлакатларнинг истиқболи учун ҳамкорлик майдони, бирдамлик муҳити бўлади.

Мана уч-тўрт йилдирки, ўзбек тили нуфузли ташкилотларнинг минбарларида янграмоқда. Амир Темур, Навоий, Бобур, Қодирий тилининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти анжуманида янграши — бу армонлар ушалгани, умидларнинг ишончга айланганидир. Армонлар ушалгани дейсизми? Ҳа, бир пайтлар ўз юртида ўзбек тилида эмин-эркин гапиролмаган, йиғилиш, анжуманларни ўз тилида бошқара олмаган халқ учун бу юксак марра, тантанадир.

Маърузада инсоннинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш иши умуминсоний принципларнинг асоси бўлиши ҳақида таъкидланди. Ҳар бир фуқаронинг ҳақ-ҳуқуқи таъминланганини кўрсатувчи омиллардан бири, шубҳасиз, унинг миллий тилидир. Унинг қиёфасини сақлаб қолтувчи, борлигини, борлигини, қимлигини, қайси миллат вакили эканини кўрсатувчи неъмат, бу — тилдир.

Фаолиятимиз давлат тили масалаларига доир. Утган вақт мобайнида соҳага оид ишларни кузатиб, “ичида юриб” шуни англаймизки, давлат тили — ҳар бир миллат учун бебаҳо қадрият. Уни асраб-авайлаш, келажақ авлодга безавол етказиш иши олий вазифа, ҳар бир инсоннинг бурчи аввали бўлмоғи керак. Бу-



лар ажратилди. Аҳамиятлиси, ажратилган кредитларнинг бир юз ўттиз беш миллиард сўми 14 578 нафар талаба қизга фоизсиз берилди. Айни шу кезларда улуғ маърифатпарвар бобомиз Бехбуддиннинг “Тараққий этган миллатларни оналари ўқутар экан, биз аввал онамизни ўқутуб, анга тил ўргатмоғимиз керак”, деган ҳикматининг ҳаётий ифодаси эканини ҳис қиласиз. Яна бир юракни тўлдириб айтадиган суюнчи гап, кам сонли давлатлар

гун ўзбек тилининг дунё минбарларида тан олинаётгани, халқаро нуфузи ортиб бораётгани, ўзбек миллатига ҳурмат, эҳтиром белгиси ва мамлакат эртаси учун ёрқин саҳифадир.

Бу тарихий воқеаларни, давлатимиз раҳбари илгари сурган таклиф ва ташаббусларнинг мағзини қақиб, улуғ Алишер Навоий ҳазратларининг ҳикмати ёдга келади: “Не учунким, дам бу дамдир, дам бу дамдир, дам бу дам”.



БУГУННИНГ ГАПИ

## ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН ЧИҚАДИ

**Султонмурод ОЛИМ,**  
**Тошкент амалий фанлар**  
**университети профессори**

Бошланиши 1-бетда

Ўзим ишлаётганим учун бир шукронани айтсам: бугун олий таълим соҳасида меҳнат қилаётганлар касбидан норози эмас. Чунки маош анча кўтарилган. Ишоти учун бир ҳаётий далил келтираман. Яқинда маҳаллаимиздаги сартароҳхонада соч олдим. Журналистлигим тутиб, устанинг ойлик топар-тутарини суриштирдим. Айтгиси келмади. Ихтиёри-да. Мен ҳам қўймадим.

— Ўн миллионлар топасизми? — деб сўрадим масалани аниқлаштириб. — Нима, мен сизга профессорманми? — деди уста.

“Хайрият-э, — дедим ичимда, — жамиятда профессорга ҳавас қилиш бошланибди-ку”. Бу — яхшилик белгиси, илмнинг қадри ошаётганини кўрсатади. Илм қадрини оширмай туриб, мамлакатни тараққий эттиришининг ҳеч ҳам илоҳи йўқ.

Давлатимиз раҳбарининг Ўқитувчи ва мураббийлар кўни муносабати билан йўллаган табригиде мана бундай дейилгани ҳам бежиз эмас: “Яқинда БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясида таълим соҳасидаги ислохотларимиз ушбу нуфузли ташкилотнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига ўйғун ва ҳамоҳанг экани эътироф этилгани барчамизни, албатта, хурсанд қилади”.

Дарвоқе, бугун профессорларнинг катта қисми ўн миллион сўмдан анча кўп маош олаётганини сартароҳга айтиб ўтирмадим.

Давлат ва халқ қайси жабҳага асосий эътибор қаратса, ўша соҳа равнақ топади. Ҳар қандай эзгу саяё-ҳаракат ширин мевасини беради. Президентимиз табригиде таълим-тарбия соҳасида сўнгги етти йилда қўлга киритилган натижалар рақамларда ифодаланди: “Охири етти йилда мактабга таълим бўйича қамров даражасини 27 фоиздан 72 фоизга, олий таълимда эса 9 фоиздан 42 фоизга, олийгоҳларимиз сонини 77 тадан 212 тага етказишга эришганимиз, ҳеч шубҳасиз, энг муҳим ютуғимиздир. Таълим-тарбия соҳасида қабул қилган дастурларимиз асосида кейинги вақтда 261 та янги ўрта таълим муассасасини қуриш, 2,5 мингта мактабни кенгайтириш ҳисобидан қўшимча 700 мингта ўқувчи ўрни яратилганини таъкидлаш лозим”.

Айтганча, ана шу 212 университет ва институтнинг 65 таси хусусий олий таълим даргоҳи. Шу тариха хусусий капитал таълим соҳасига жадал тарзда жалб этилганди.

Тараққиётнинг икки асосий йўли бор. Бири сифат, иккинчиси эса миқдор кўрсаткичи орқали ўз беради. Содда айтилса, экин ерини қўпайтириш орқали қўп ҳосил олиш мумкин, лекин ҳосилдорлиқни ошириш орқали ўсишга эришса бўлади. Масалан, ўтган йили икки



фермер ҳам 1 гектарга экиб, 15 центнер (1,5 тонна)дан бугдой олган эди. Бу йил бир фермер 2 гектарга экиб, жами 30 центнер (3 тонна) ҳосил олди. Иккинчи фермер эса ўша 1 гектар ерга бугдой экиб, илмий асосда иш тутиб, ҳосилдорлиқни оширди-да, шу 1 гектарнинг ўзига 30 центнер ҳосил етиштирди. Бунинг биринчиси “экстенсив усул”, иккинчиси эса “интенсив усул” дейилади. Бу йил Ўзбекистонимиз гектаридан ўртача 48,2 центнердан галла етиштириб, дунёда 8-ўринни эгаллади, яъни бу борада кучли ўнатиққа кирди. Бунга ҳам айнан интенсив усул ҳосиласи сифатида қаралиши керак.

Дунёда ер ости ва ер усти бойликлари кўп бўлгани учун ривожланаётган ёки табиий бойликлари оз бўлса ҳам одамлар салоҳиятини ошириб, самарадорликка эришиш орқали равнақ топаётган давлатлар кўп. Нефти, газ, кўпчилиги учун ривожланаётган давлатлар бу манбаларни тугаб қолганидан кейин қандай аҳволга тушиши номаълум. Аммо ер ости ва ер усти бойликлари бўлмаса ҳам инсон салоҳиятини ривожлантирган Германия, Япония, Жанубий Корея каби давлатлар тараққий этиб борапти.

Бизда табиий бойликлари йўқ эмас. Аммо улар миқдорини киши бошига тақсимлаганда, бу кўрсаткич хатто ён қўш-ниларимиз бўлмиш Қозғоғистон билан Туркменистондагидан ҳам оз. Демак, биз ҳам Германия, Япония, Жанубий Корея каби инсон капиталини ошириш, кадрлар салоҳияти, яъни сифатини юксак даражага кўтариш йўлидан боришимиз зарур. Масалан, 2022 йили ГФР-да яппи ички маҳсулот жон бошига 46 минг 20 АҚШ долларини ташкил этди. Бу биздаги 2 минг 255 АҚШ долларидан қариб 20,5 баробар кўп. Демак, Германиянинг бир фуқароси бизникига қараганда 20,5 карра кўп маҳсулот ишлаб чиқарган. Ҳолоки, ҳаммамизда ҳам ўша кўп, ўша оёқ бор. Демак, тараққиётнинг асосий омил одамнинг сифатини, яъни самарадорлигини оширишдан иборат бўлиши керак. Бунга эса фақат ва фақат таълимни ривожлантириш орқалигина эришилади.

Алишер Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб” асари “Аввалги қисм’и 18-фасли “Дабиристон аҳли зикрида” деб номланади. “Дабиристон” эса “мактаб” дегани. Улуғ мутафаккир муаллим ҳақида: “Анинг иши одамдин келмас, қайси одамки, дев қила олмас”, деб ёзди. “Ҳар қандай қаттиққўл кишини ҳам бир болани ушлаб туриш ожиз қилиб қўяди, устоз бўлса бир ғуруҳ болага илм ва адаб ўргатади, бунинг машаққатини кўз олдингизга келтириб қўринг”, дейди яна у. Шундан келиб чиқиб, буюк Навоий қатъий ҳулоса қилади: “Ҳар тақдир била атфолга ҳаққи қўлдур, агар подшоҳлиққа етса ва анга қўлқў қилса ҳўбдур. Шоғирд агар шайх ул-ислом, агар қозидур, агар устод андин розидур — Тенгри розидур.

Байт:  
Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф  
ўқутмиш ранж ила,  
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин  
юз ганж ила”.

Демак, устознинг шоғирдда ҳақи кўп экан, шоғирд подшоҳликка етса ҳам унга қўлқў қилса, яъни бўлар экан. Чунки шоғирд шайх ул-ислом (бугунги муфтий) ёки қози (бугунги суд раиси) бўлса ҳам, агар ундан устоз рози бўлсагина Тангри рози бўлар экан. Биттагина ҳарф ўқитганининг ҳақини минг ганж (тилла) билан ҳам адо қилиб бўлмас экан.

Устозни бундан ошириб таърифлаш қийин.

Бироқ бу гаплар XV асрда айтилган. Ҳозир эса XXI аср. Бугун масаланинг иккинчи томонини ҳам ўйлаб қўриш, аниқроғи, устоздан шоғирд рози бўлсагина Тангри ундан рози бўлади, тарзда айтиш ҳам мумкин-ку. Ўқувчи ва талабаларни замон кутган даражадаги кадрлар қилиб тарбиялаш учун муаллимлар тинимсиз ишлаши, ўзини ривожлантириши зарур эмасми?!

Дунёнинг бошқа давлатлари конституциясида борми-йўқми, билмайман, аммо янги тахрирдаги Конституциямизда ўқитувчилар мақоми ҳақида махсус модда бор. Конституциямиздаги бу модда қуйидагича жаранглайди:

“Ўзбекистон Республикасида ўқитувчининг меҳнати жамият ва давлатни ривожлантириш, соғлом, баркамол авлодни шакллантириш ҳамда тарбиялаш, халқнинг маънавий ва маданий салоҳиятини сақлаш ҳамда ботиқини инсон асоси сифатида эътироф этилади. Давлат ўқитувчиларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида ҳамқўрлик қилади”.

Мамлакатимиздаги барча касб эгаларини муаллим ўқитиб, тарбиялайди. Шунинг учун бу касб эгаларига давлатнинг бундай мақом бериб, кадрларни ҳар тарафлама эътиборга сазовор. Бу эса бугун биз, муаллимларни шунга муносиб меҳнат қилишга ундайди.

### ИНСОН КАДРИ

## ОТА-ОНАЛАРГА ИШОНЧ ВА ҚУВОНЧ БАФИШЛАЁТГАН “УМИД”

Бугунги кунда фарзандлар тарбияси, уларнинг дунёқараши шаклланишида мактабга таълим ташкилотлари алоҳида ўрин тутмоқда. Аммо ҳозирда бу тизимнинг мазмун-моҳияти бутунлай ўзгарди. Бундай масканларда болажонларга тарбия билан бирга, сифатли таълим беришга ҳам эътибор қаратилмоқда. Илгари мактабга бормаган боланинг ҳарфларни таниши ҳайратланарли бўлган, бугун эса фарзандларимиз мактабга ўқиш ва ёзишни ўзлаштирган ҳолда бориши оддий ҳолга айланди.

Бу, албатта, мактабга таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар самарасидир. Айниқса, ҳудудларда замонавий давлат ва нодавлат мактабга таълим ташкилотлари қурилиб, фойдаланишга топширилганди. Болалар қамрови ортаётгани ота-оналарни ҳам мамнун этмоқда. Ҳар бир ота-она борики, фарзанди ана шундай таълим-тарбия масканларида тенгдошлари билан уйнаб-қулиб ўлғайишини истади.

Эътиборли жиҳати, соғлиғида айрим нуксонли бор болажонлар ҳам бу бахтдан бирдек баҳраманд бўлмоқда. Бу эса инсон қадри ва манфаатлари улуғланган юртда ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмаслигининг яна бир амалий ифодасидир.

давомида 22 нафар бола соғломлаштирилди, даволаш, таълим жараёни биргаликда олиб берилди. Ўз ишига садоқат билан ёндашаётган мутахассисларнинг хайрли меҳнатидан ота-оналар ҳам хурсанд.

— Айни вақтда соғлиғида нуксонли бўлган 50 дан зиёд тарбияланувчи реабилитация марказимизда даволанмоқда. Психолог, дефектолог, сузмиш ва жисмоний даволаш йўналишлари, кўз касалликлари ва бошқа йўналишлар бўйича мутахассислар болаларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келади. Педагоглар орасида сурдо бўйича мутахассислар ҳам бўлиб, эшитиши ва гапиришида нуксонли бўлган болаларга таълим беради. Реабилитацияга эга таълим муассасамизга, асосан, заиф эшитувчи, заиф кўрувчи, нутқида нуксонли бор, ақлий ривожланишда орқада қолган ва таянч ҳаракатида камчилиги бор болалар қабул қилинади. Улар орасида бутунлай даво топиб, соғлом ҳаётга қайтаётган болажонларни кўриб хурсанд бўламиз. Ота-оналар ҳам умид билан келади ва даволаш жараёнининг самарасидан мамнун, — дейди “Умид” реабилитацияга эга давлат кўп тармоқли МТТ раҳбари Дилафруз Файзиева.



Ушбу таълим ташкилотига келган болажонлар, аввало, мослашув хонасида вақтинчи мароқли ўтказиши. Чунки бундай вазиятда болаларга мажбурий муолажа олиб бориш, уларни стресс ҳолатига солиб қўйиш саломатлиги ва руҳиятига акс таъсир этиши мумкин. Оиладаги ёпиқ қўбикда, бир хил турмуш шароитида, фақат оила

аъзоларининг ёрдамида яшаган ва ҳаракат қилган бола бегона чехралар, ёт муҳитга ўрганиши муолажа учун катта аҳамиятга эга.

Бу ерда ҳар бир болага алоҳида меҳр ва парвариш, касаллигидан келиб чиқиб, алоҳида муолажа талаб этилади. Ҳар бир тарбиячи-педагог, шифокор ва психологлар ўта эҳтиёткорлик ва масъулият билан ўз ишига ёндашади. Эзгу ният ила бошланган хайрли амал, бемор болаларга ҳам тарбиячи, ҳам она, ҳам шифокор бўлиб фаолият олиб бориш ўз натижасини бераётганини ота-оналар ҳам эътироф этмоқда.

— Фарзандимнинг соғлиғида нуксонли бўлгани сабабли фақат оиламизда парвариш қилганимиз. Албатта, унинг ҳам тенгдошлари қатори бошқа боришини жуда истардик. Ушбу масканга қабул қилингандан кейин фарзандида ижобий ўзгаришларни яққол сеза бошладик. Ҳозирда муолажалар давом этмоқда. Қувонарлиси, унга мутахассис педагоглар томонидан таълим ҳам берилляпти. Буларнинг барчаси биз учун жуда муҳим ва қувонарли, — дейди Севара Ҳалимова.

Албатта, олис йўл босиб, бемор бола билан шифо масканларига қатнаш осон эмас. Иқтисодий етишмовчилик бўлса, янада мушкул. Ҳар бир бола меҳр ва эътибордан, парвариш ва ҳамқўрликдан бебаҳра бўлмаган мамлакатимизда бундай шaroитдаги реабилитация марказига эга таълим ташкилотлари қурилиб, фойдаланишга топширилаётгани хаста фарзандларини тарбиялаб, вояга етказётган ота-оналарга янада умид ва ишонч бағишлайди.

Муассасада 2 ёшдан 7 ёшгача сўзлаш-иш ёки таянч ҳаракатларида нуксонли бўлган, ақлий ривожланишда тенгдошларидан бир оз орқада қолган ва бошқа шу каби касалликлар билан яшаб келаётган кичкинтойлар 10,5 соат давомиде муолажа ола, 16 ёшгача бўлган болалар ҳам ҳар кун 2-3 соат давомиде реабилитация хизматларидан фойдаланади. Асосий мақсад уларни соғломлаштириш, жамиятга мослаштиришдир.

Ҳозирда саяё-ҳаракатлар натижасини саломатлиғида анча яхши ўзгариш бўлган, илгари истак ва эҳтиёлларини имо-ишора билан айтишга ҳаракат қилган, муолажадан сўнг эса нутқи орқали тушунтира олаётган, буюмларни мустанқил ушлаб, бир жойдан иккинчи жойга олиб қўйишни уда-лаётган, ақлий ривожланишда тенгдошларига етиб олган, хатто мактабларда ўқий бошлаган болаларда қўриш мумкин.

Инсон қадри улуғланган юртимизда ёши ва ҳолатидан қатъи назар, ҳар бир инсон шу азиз Ватанининг фарзанди, жамият учун керакли шахс, унинг тақдири мамлакат тақдирига дахлдор ва уларнинг барчаси имкониятлардан фойдаланишга, эътибор марказида бўлишга, меҳр, саховат, ҳамқўрликни ҳис қилиб, бахтли яшашга ҳақли. Бу эса давлатимиз раҳбари ташаббуси билан илгари сурилатган ислохотлар ва уларнинг Навоий вилоятида ҳам ўз ифодасини топаётганидан далолатдир.

**Ғолиб Абдусаломов,**  
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**



## ЁХУД ҚАТАР ИСЛОМ САНЪАТИ МУЗЕЙИДАГИ ЭНГ НОЁБ ЭКСПОНАТЛАР

**Дилафрўз ҚУРБОНОВА,  
тарих фанлари доктори**


“Давлатимиз раҳбарининг Қатар давлатига ташрифи юртимиз маънавий оламида ҳам ўзига хос ўрин эгаллайди. Жаҳоннинг йирик музейларида сақланаётган Ўзбекистон санъати тарихига оид ашёлар ўрганилар экан, Қатардаги бойликларни ҳам илмий-амалий жиҳатдан тадқиқ этиш музейшунослик ва санъатшунослик илмини янги маълумотлар билан тўлдиришга хизмат қилади. Бу эса тарихни унутмаслик, аждодлар меросига фахр-ифтихор билан муносабатда бўлиш омилидир.

**Бошланиши 1-бетда**

Хусусан, Қоҳирадаги ислом асарлари музейида Камолитдин Бехзод қаламига мансуб миниатюралар, Ар-Риёд миллий музейида темурий шаҳзода Иброҳим Султонга тегишли ҳарбий либос — темир совут, Қатардаги Ислом санъати музейида эса темурийларга оид қўлэзмалар, миниатюралар ва моддий-маънавий ашёлар сақланмоқда.

Табиийки, темурийлар даври ижтимоий-иқтисодий ҳаётини бадий ҳунармандчиликсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бадий ҳунармандчилик махсулотларини кенг миқёсда айирбошлаш ва турли мамлакатлардан усталарни қўчириб келтириш соҳада муштарак услуб яратилишига олиб келди. Бу даврда Эрон, Марказий Осиё ёки араб мамлакатлари усталари яратган буюмларни бир-биридан фарқлаш анча мушкул эди. Темурийлар даврида турли минтақалардан келган усталарнинг биргаликда яратган ўзига хос безаклари амалий санъатда ҳам янгича қўриниш касб этди. Бугунги кунда ушбу ноёб санъат асарлари Қатар пойтахти Доҳадаги Ислом санъати музейи экспозициясидан жой олган.

Бино қадимги ислом мезморилик асосида қурилган бўлса-да, ўзига хос дийазайна эга. Музей ислом санъати асарларининг ийрик коллекцияси, илмий-тадқиқот институти ва кутубхонадан иборат. У



уч қитъа (Осиё, Европа ва Африка) ислом санъатининг 1400 йиллик тарихини ўзида мужассам этади. Коллекциялар, асосан, VII асрдан XIX асргача бўлган даврдаги экспонатлардан иборат. У нисбатан ёш музей ҳисобланса-да, низоҳатда бой коллекцияга эгалиги билан шуқрат қозongan. Музейда 1980-йилларнинг охиридан бошлаб тўпланган ислом санъати буюмлари коллекцияси, шу жумладан, қўлэзмалар, тўқимачилик маҳсулотлари ва кулопчилик буюмлари ўрин олган. Экспозицияда Испания, Миср,

Эрон, Ироқ, Туркия, Ҳиндистон ва Марказий Осиёдан топишган ёки келтирилган ашёлар ўрин олган бўлиб, дунёдаги энг мукаммал ислом санъати коллекцияларидан бири ҳисобланади.

Энг аҳамиятли томони, музейда темурийлар даврига оид қўллаб ёдгорликлар ҳам сақланади. Шулардан бири Ҳирот кутубхонаси анъаналарига хос **Бойсунқур Қуръони саҳифасидир**. Ғиёсиддин Бойсунқур Шохрух Мирзонинг ўғли бўлиб, давлат арбоби, фан, маданият ва санъат ҳомийси сифатида муҳим ўрин эгаллаган. Шу билан бир қаторда, у ажойиб хаттот ҳам бўлган. Маълумотларга кўра, Бойсунқур хаттотлиқнинг олтинга услубини (араб хатининг асосий услублари ҳисобланган “муҳаққақ”, “сулс”, “нахс”, “тавкёс”, “риқоъ” ва “райҳонӣ”) мукаммал ўзлаштирган. Машҳад шаҳрида онаси Ғавҳаршодбегимнинг қўрсатмаси билан бунёд этилган масжидда (Ғавҳаршодбегим масжиди) Бойсунқурнинг дастхати туширилган ёзув бугунги кунгача сақланиб қолган. Ушбу экспонат бир қанча бетлар сақланиб қолган машҳур Бойсунқур Қуръони (1433 йил тугалланган)дан бир саҳифа бўлиб, шахсан Ғиёсиддин Бойсунқурнинг ўзи қўчирган, деб тахмин қилинади. Темурийлар даврида қўчирилган Қуръон саҳифалари Даниядаги Дэвид коллекциясида, АҚШдаги Метрополитен санъат музейи коллекцияларида ҳам сақланмоқда.

**Зарҳал юритилган ақиқ коса.** Бугунги кунда темурийлар даврига хос бўлган нефрит ва агатдан ясалган бир қанча ноёб буюмлар Англия ва АҚШ музейларида учрайди. Масалан, Британия музейида Мирзо Улугбекга тегишли бўлган нефрит пиёлалар, АҚШдаги Сан-Франциско Осиё санъати музейида эса Хусайн Мирзо номи ёзилган қизил ақиқ пиёла сақланмоқда. Қатардаги Ислом санъати музейида ҳам талайгина сопол идишлар, ақиқ косалар сақланмоқда.



Ақиқ косанинг бошқа жойдагиларидан фарқи оқ рангли бўлиб, зарҳал юритилган уймакор нақшлар билан безатилган. Сиртидаги ёзувларда уни ясаган уста Аҳмад ибн Шукруллоҳ ал-Форсий номи ҳам зикр этилган. Ҳунармандлар уймакорлик санъатида нафақат ашёни сайқаллаштиришга, балки уларга ҳажм ва нафислик жиҳатдан ишлов беришда ҳам ўз маҳоратини кўрсатган.

**Феруза рангли сирланган лаган.** Сиркор кулолчилик ривожига бекиёс юксалиш XIV аср охири — XV аср бошларига тўғри келади. Темурийлар даврида ранг-баранг бўлмаган, асосан, муайян услубдаги ўта жўн геометрик расмлардан иборат қора сиркорий нақшли зангори керамика ҳам кенг тарқалган.

Амир Темур ва темурийлар даврида кулолчиликнинг янги тури — маҳаллий қошнидан фойдаланиш асосида Хитойдан келтирилган чиннига тақлид пайдо бўлди. Маҳаллий усталар Хитой чиннисининг технология сирларини билмаса-да, ажойиб бадий санъатга эришган. XV асрда Марказий Осиё ёки Эронда ясалган лаган билан ўша вақтда Хитойдан келтирилган лаган ранглариининг уйғунлиги, безакла-

ри мажмуи, ишланиш услуби жиҳатидан худди бир устанинг қўлида ясалгандек тасаввур уйғотади. Музейида ана шундай ислимий безакли феруза рангли сопол косалар сақланмоқда.

Бу даврда металлга бадий ишлов бериш санъати ҳам низоҳатда ривож топди. Мовароуннаҳр ва Хуросон шаҳарлари олтин, қумуш ва бронзадан ясалган хилма-хил идишлар, мисдан тайёрланган уй-рўзгор жиҳозлари, қурол, ҳарбий анжомлар, турли заргарлик зийнатлари ва ибодат билан боғлиқ буюмлар ишлаб



чиқарадиган маркалар эди. Марказий Осиё ва Эрон усталари бронзадан ясаган буюмлар ўхшаш бўлишига қарамай, у ёки бу технологик ва бадий усулни қўллашда ўзига хос хусусиятлари ҳам бўлган. Бу қўп жиҳатдан Амир Темурнинг ҳарбий юришлари натижасида мазкур минтақалардан усталарнинг Самарқанд ва Мовароуннаҳрга олиб келиниши билан боғлиқ эди. Ана шундай ажойиб амалий санъат намуналари музей коллекциясидан ўрин олган.

**Мис кўза.** Ушбу даврда мисдан ишланган кенг бўғизли кўзалар машҳур бўлган. XV аср буюмларига безак беришда горизонтал чизиклар билан идишлар танасини қамраб олувчи майда ислимий нақш қўп учрайди. Унинг фониди форсий битиклар мавжуд. Бу давр буюмлари қадима нақшлар билан ҳам безатилганини қўриш мумкин.

Булардан ташқари, музейда темурийларга оид қўллаб қўлэзма, миниатюра, астрономик асбоблар, олтин тангалар, ҳарбий кийимлар, гиламлар ва меъморий қўламалар сақланмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг Қатар давлатига ташрифи юртимиз маънавий оламида ҳам ўзига хос ўрин эгаллайди. Жаҳоннинг йирик музейларида сақланаётган Ўзбекистон санъати тарихига оид ашёлар ўрганилар экан, Қатардаги бойликларни ҳам илмий-



амалий жиҳатдан тадқиқ этиш музейшунослик ва санъатшунослик илмини янги маълумотлар билан тўлдиришга хизмат қилади. Бу эса тарихни унутмаслик, аждодлар меросига фахр-ифтихор билан муносабатда бўлиш омилидир.



## МАЪНАВИЙ ҲАЛҚА

## КАТТА ВА ЁШ АВЛОДНИ НИМА БИРЛАШТИРАДИ?

**Нилуфар КАРИМОВА,  
Республика маданият муассасалари  
фаолиятини ташкил этиш илмий-методик  
маркази бўлим бошлиғи**

Бутунги мураккаб даврда мамлакатимиз аҳолисига, хусусан, ёшларга турли салбий таъсирларнинг олдини олиш ва жамиятимизнинг ҳар бир аъзосини маънан етук қилиб тарбиялаш, ҳуқуқий-маънавий дунёқарашини, онгини ривожлантириш масаласи ҳар қачонгидан муҳим аҳамият касб этмоқда.

Афсуски, ҳаммамиз аса ёшларимизни маънавий таҳдидлардан ҳарб қилиш учун, энг аввало, уларда мафкуравий иммунитетни қучайтириш зарур эканини англай олмаймиз.

Ҳар қандай ахборот оқимининг ёшлар маънавиятига таъсири хусусида сўз юритганда, жамиятимиз, давлатимизнинг миллий ҳавфсизлиги биринчи ўринда туришини унутмаслигимиз лозим. Зеро, бу мавзуда гап борар экан, аввало, икки масала мавзунинг долзарб нуқтасига айланади: биринчиси, ахборот оқими — мафкуравий таҳдид, иккинчиси, ёшлар маънавияти — яъни турли ахборотларга нисбатан ёшларимизда шаклланган маънавий иммунитет.

Турли учрашув ва суҳбатларда ота-оналар ҳамда муаллимлар ёшларимизнинг мафкуравий иммунитетини яхши шакллангани борасида ташвиш билан сўз юритади. Масалани инсон омили нуқтаи назаридан ўрганилган бўлса, мафкуравий иммунитет ҳар қандай ахборот таъсирига тушиб қолмаслик, аввало, ўша инсон онгу тафаккури, идроки нечоғлиқ ўткирлигига, чуқур мушоҳада қилиш қобилиятига боғлиқ. Тўғри, ҳаммада ҳам бундай қобилият бирдек ривожланган эмас. Аммо уни шакллантириш, идроқ кўникмаларини ҳосил қилиш, инсон туғилганидан то улағйғунига қадар давом этади. Хусусан, бунда ёшларнинг

қўп китоб ўқиши, ўз мамлакатини тарихини ўрганиши, урф-одатларга нисбатан ҳурмат руҳида тарбия топиши, бир сўз билан айтганда, унда миллий эътиқод — миллий фтихорнинг шаклланиши муҳим ўрин тутди. Ўз миллий қадриятларини, ўз тарихини билган, она Ватанини юксак муҳаббат билан севган ёшлар ахборот оқимлари таъсирига осонгина илиниб қолмайди. Чунки бундай авлодда ўзига хос психология ва ёндашув пайдо бўлади.

Ҳозирги кун ёшлари қандай тарбия топмоқда? Улар қайси ахборот, қайси муҳит таъсирида шаклланимоқда? Фарзандларимиз шахс сифатида қамолга етиши учун яна нималар қилишимиз лозим? Тўғрисиини айтиш керак, айни пайтда қўпчилик ота-оналар турмуш ташвишига берилиб кетиб, бола тарбиясига қамроқ эътибор қаратмоқда. Албатта, улар имкон қадар фарзандлари ҳеч қимдан кам бўлмаслиги учун шариот яратиб бермоқда. Айтиллик, ахборот технологияларидан кўпроқ бохабар бўлиши учун компьютер сотиб олиб беришди, ойлик интернет пакетларига улаб ҳам қўйишди. Аммо яратилган шариотдан фарзандлари нечоғлиқ мақсадли фойдаланмоқда? Бу масала баъзи ота-оналарнинг назаридан бир оз четда қолмоқда.

Ўғил-қизларимиз телефон ва интернетга маҳлиё бўлиб, китоб ўқишни бутунлай



ёддан чиқариб қўймоқда. Охириги марта қайси асарни мутўлаа қилгани ҳақида савол берсангиз, тугтилиб қолишди. Биз бугун ёшларимизга ахборот оқимини тўғри йўналтира олмасак, улар йиллар давомида шаклланиб келаётган маънавий қадриятларимизни бора-бора эсдан чиқариб юбориши табиий. Президентимиз “Биз юртимизда қандай ислохотларга қўл урмайлик, аввало, сиз қаби ёшларга, сизларнинг куч-ғайратингиз, азму шижоатингизга суянамиз”, дея бежиз таъкидламади.

Ёшларимиз маънавиятига ҳар қадиқа чуқур эътибор қаратмас эканмиз, улар ҳар қанча дунё билимларини, хорижий тилларни эгаллашмасин, ўзлгини танимаса, Ватан манфаатлари йўлида садоқат билан хизмат қилиши ва бегона ғояларга терс қарай олишига қанолат бера олмаймиз. Ҳар бир фарзанд, энг аввало, киндик қони томган тупроқ қадрини яхши билиши, урф-одат ва қадриятларимизни таниши лозим. Шундагина уларнинг қалбиде юртга асл муҳаббат туйғуси қуртат қади.

Давлатимиз раҳбарининг қатор фармон ва қарорлари, давлат дастурлари баркамол авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, жисмоний ва маънавий ривожланиши учун шарт-шароит яратишда муҳим оимил бўлмоқда. Ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қиладиган тегишли қонунчилик базаси яратилиб, интеллектуал соҳаотиини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Фарзандларимиз қанчалик тарихимизни, она тилимизни астойдил ўрганса, қалбиде маънавий иммунитет шўнча кучли ривожланади.

Ҳар қандай ёғ гояга қарши соғлом фикр билан тура оладиган, кураша оладиган ўғил-қизларни тарбиялаш мақсадида ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича 5 та муҳим ташаббус илгари сурилди. Бу ташаббусларнинг илк самарасини ўз кўзимиз билан кўриб, ғувоҳ бўлиб турибмиз.

Мусика, рассомлик, адабиёт, театр ва кино соҳасидаги турли танловлар, ҳалқаро

фестиваллар майдонида чиниққан истеъдодли йигит-қизларимиз ўз ижодий лойиҳалари билан жаҳон ҳамжамияти эътирофига кўпроқ сазовор бўлмоқда. Спорт мусобақаларида юксак ареналарни эгаллаётган қоракўз фарзандларимиз сафи кенгайиб бораётганини айтмайсизми?!

Аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этишга қаратилган турли тадбирлар боис, бугун қайси бир ота-она билан суҳбатлашманг, фарзандининг ажойиб дастурчилик қобилияти борлигидан, интернет оламида ўзига хос янгиликлар яратишга иштиёқи баландлигидан қувониб сўзлайди.

Китобхон ёшларимиз ўртасида ўтказилган танловлар эса нафақат ёш авлодни, балки катта авлод вакилларини ҳам чуқур мулоҳаза юритишга, китоб билан кўпроқ вақт ўтказишга қорлаётгани рост. Хотин-қизларни иш билан таъминлаш масаласи эса ҳозирги кунда ҳар бир вилоят, туман ва маҳалла масъулларининг энг биринчи ўриндаги вазифасига айланди. Муҳими, бу жараёнда аёллар ўз ҳуқуқларини янада кўпроқ таний бошлади. Ташаббус кўрсатишда, тадбиркорлик билан ёндашишда хатто манаман деган эркакларни ҳам ортда қолдирмоқда.

Мақтаблар, коллеж ва лицейлар, олий ўқув юртиларида жаҳон таърибаси инобатга олинган ҳолда тақомиллаштирилган давлат таълим стандартларига катта эътибор қаратилмоқда. Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва рағбатлантиришга, миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида замонавий дунёқараш, ижодий ҳамда шахсий фазилатларга эга ёш авлодни тарбиялаш ўқитувчи ва мураббийларнинг асосий вазифасига айланган.

Мамлакатимиз йигит-қизлари ҳалқаро миқёсдаги танловлар, мусобақалар ва бошқа нуфузли тадбирларда муваффақиятли иштирок этмоқда. Буларнинг барчаси фарзандларимизнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, ёш авлодни соғломлаштиришга бўлган эътибор самараси

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

